

432
E93

НЕЪМАТ ЁҚУБОВ

ҲУБОБ



1.512.133

93

НЕЪМАТ ЕҚУБОВ

ҲУБОБ

Қисса



Ёкубов, Н.

Ўубоб: Қисса.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти,
1986.— 128 б.

Ёзувчи Неъмат Ёкубовнинг янги қиссаси юлғичлик, порахўрлик каби иллатларга қарши кураш руҳида ёзилган. Ҳоким образи ёдингизда узоқ сақланиб қолади. Ҳоким образи — фирибгарлар «пири»дир. Бу образдан нафратланиб юрасиз.

Фермадан мол ўғирланади. Айб эса бегуноҳ одамга — шаҳарда ўқиётган, икки-уч кунга қишлоғига келган студент йигит Мўминга тўнкалади. Бироқ кўзбўямачиларнинг бу қора нияти амалга ошмайди. Кўзбўямачилар найранги фолл этилади.

Асарда шунингдек, ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан эл-юрт ўртасида обрў қозонаётган турли касб ва ёшдаги меҳнаткашлар образи яратилган.

Ёкубов, Н. Поплавок: Повесть.

Ўз2

Я 4702570200—19 27—86
М352 (04)—86

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986 й.



Ҳоким Ҳасанов думбул қовоқдек гуштдор юзи тир-
силлаган, сариқ мўйлови купинча ёгдай ялтираб тура-
диган, эллик ёшлар чамасидаги меҳмоннавоз, ўз таъ-
бири билан айтганда, одамгарчилик йўлига жони фидо
шахс. Ҳозиргина у, кўнглининг бир чеккаси хира ҳол-
да, шаҳарлик меҳмонни нақшдор зангори дарвозаси
тагига кузатиб чиқди. Албатта, эл-юрт оралаб, дунё
кезиб кўп юрмаган бўлса ҳам, лекин беадад шукрим,
кўп меҳмон кўрган, одамдан одамнинг фарқини яхши
ажрата оладиган Ҳоким Ҳасанов кўнглининг бир чек-
каси хира бўлганини ҳеч кимга сездиргани йўқ. Фақат,
одатича, дарвоза тагида турган «ГАЗ—369» машинаси
эшигини очиб, икки қўлини ёстиқдек қоринчаси устига
қўйиб, сал букилган ҳолда тавозе билан меҳмонларни
машинага чиқишга таклиф қилмади, холос. Ёхуд, йўлак-
да турган, оёқ ости суянчиқларига қалин гилам пойан-
доз ёйилган ўзининг «ГАЗ—21» машинаси уларни ис-
таган манзилига элтиб қўйиши мумкинлигини айтмади,
холос. У бир чеккада қўлини ортига қўйиб, гоҳ-гоҳ
«Хўп, хайр», «Яхши боринглар», дерди. Дилида эса бў-
рилиб сўкинарди: «Занғари, шаҳардан экан-ку, менга
деса Арши аълодан келган бўлсанг ҳам ҳурматингни
сақла. Олдинга қўйганини е, емасанг дастурхонда қо-
лар, еяр оғизни боғлаб дунғиллаб нима қиласан?!»
Дарвоқе, мезбоннинг тожиси шилинган хўроздек ҳур-
пайишига меҳмонлардан бири шурва, манти тортил-
гандан сўнг бир лаган ҳасип олиб киришганда «одам —
ҳайвонми? Исрофгарчиликка йўл қўймаслик керак!»—
деб айтган бир неча роғиз давд-насиҳати сабаб бўлди.

Ушанинг касофати билан иликдек ҳасипга ҳеч ким қўл урмади.

Машина мотори ўт олгач, меҳмонлар жўнашини кутмаёқ Ҳоким ҳовлига қайтди. Дарвозани қўлфлади. Бўйи ўн уч, эни беш метрли йўлакда икки машина — этакда сурранг «ГАЗ-21», тўрда чодирга ўралган янги «Жигули» турарди. Йўлакнинг тепаси болахона — катта зал бўлиб, илгари, яъни Ҳоким омбор мудирлиги пайтида, меҳмонлар шу ерда кутиларди. У фермага ишга ўтгач, вазият ўзгарди. Илгари икки ҳафта ёки бир ойда меҳмон келса, кейинги пайтда уч-тўрт кунда, баъзан кун оралаб меҳмон кутишга тўғри келиб қолди. Совхознинг яхшигина меҳмонхонаси бор, албатта. Лекин ферма мудирининг уйи холи, айниқса, нуфузли меҳмонларнинг тор доирада бемалол ўтиришларига қўлай эди. Ниҳоят, энг муҳими, бу хонадонда холис хизматчи, ширин қўл пазанданинг борлиги эди. Дарвоқе, Ҳоким мудирнинг хотини Санобар опа ҳамир овқатнинг яри — чўзма лағмон, манти-чучварани жуда ўхшатар, баъзиларнинг эътироф этишича, у тайёрлаган таомларни оғизга солинса лиқ этиб бўғизга ўтиб кетаркан. Хотини шаънига шундай мақтовларни эшитган кезларда Ҳоким керилиб қўярди: «Бизнинг хотин бир дона чучварани пуфлаб оғзингизга солгунингизча, иккинчи лаганны пишириб — сузиб келади». Турли-туман катта-кичик ёғлиқ патир, уч бурчак, думалоқ, гишкелди сомсалар, орасига дурда солинган чўзма, кўк варақи ва ҳоказоларни эринмай тайёрловчи Санобар опа «Тўкинчилик бўлаверсину, мен ошхонадан чиқмай», дея ният қилган экан.

Ҳоким меҳмон кутиш баҳонасида, бригадада ошпазлик қилиб юрган хотинини ишдан бўшатиб олди. Шу орада меҳмонхонани ҳам ўзгартиришга тўғри келди. Болахона зали катта эди. Бироқ нозик меҳмонларга ноқулайлик қилди. Ҳа, дарвоқе, ҳовлида янги меҳмонхона қуришга ҳам нозик меҳмонлардан бирининг ҳазиломуз гапи туртки бўлди:

— Ҳоким ака пишиқ эканлар, данғиллама уйлар турганда бизни болахонада кутдилар. Меҳмонлар камчисни деганлар! Ҳа! Пишиқ, бу одам!

— Янаги келишингизда янги меҳмонхонада кутиб олмаган номард, — деб юборди ўшанда Ҳоким ҳам танитилик билан.

Ҳа-да! Бу ноқулайликни ўзи ҳам олдин сезиб юарди. У семириб вазни оғирлашиб, кейинги пайтда тўқсон

килограммдан бир юз унга етди. Болахона нарвонидан тушиб-чиқиш мушкул бўлиб қолди. Ҳовлининг дарвозага туташ томонида янги меҳмонхона қурилди. У икки хонали: киравериш — чоғроқ даҳлиз, даҳлизда жиҳоз оз, поёга шолча пойандоз ёзилган, икки чеккага чамбаракли иккита кумушранг вешалка қўйилган, қўл ювгич — чинни умивальник бор, холос. Ичкари эса эни беш, бўйи етти метрли залга қалин кўкиш гилам тушалган, русини мебелли — юқорида баланд шкаф, дераза қаршида диван, ўртада катта стол ўрнатилган, атрофига духоба жилдли стуллар терилганди. Бир томонда суянчиқли икки стул орасидаги пастак журнал столчасида шахмат доналари териб қўйилган. Шахматга иштиёқли одам Ҳоким Ҳасанов учун «энг мўмин ва беозор меҳмон» ҳисобланарди. Чунки бундай меҳмон ўйинга берилгач, чой-ош билан ҳам иши йўқ, ўзи билан ўзи овора, берсанг ейди, урсанг ўлади... Зал тўридаги катта экранли «Горизонт» телевизорли устига оқ чойшаб ёпиб қўйилганди. Ҳайҳот! Ярим тунгача телевизорга термилиб ўтирадиган меҳмондан худо асрасин! Бунақа тоифадаги одам Ҳоким Ҳасановнинг юрагини «тарс» ёриб юборай дерди. Негаки, у телевизорни хушламас, аммо меҳмоннинг юзидан ўтолмай уни кўришга мажбур бўлган тақдирда эса экран ойнасига терс ўтириб, фақат овозини эшитарди, холос. Ҳа, балли, у ўқиганмас, ўққан одам. Қадим инсон кўзининг учта душмани бўлган: бири қоронғида оқ нарсага кўп термилиш, иккинчиси муҳолиф юзини кўриш, учинчиси шахвоний ҳирсга берилиш. Тўртинчи ва энг хавфли душман — бу телевизор экранига кўп термилиш. Ҳа, телевизор чиққанига қадар мамлакатда йилига тўрт миллион дона кўзойнак ишлаб чиқариш экан ва ҳамма жойда унга пашша қўниб ётаркан. Энди-чи? Йилига ўн икки миллион донадан кўп кўзойнак яратилар, аммо бу истеъмолчилар талабини тўла қондира олмасмиш. Албатта, буларни Ҳоким Ҳасанов кимдандир эшитгану, қўлоғига қўрғошиндек қўйилиб қолган. Лекин телевизор керак! У уй бисоти, беағи, савлати.

Ҳоким Ҳасанов меҳмонхона даҳлизига қадам қўя туриб ҳовлига аланглади-да, ўғлини чақирди:

— Қаҳҳор! Менга қара!

Жингалак сочли, қотмадан келган, новча, бир кўзи сал қисик Қаҳҳор юқоридаги уйдан тез чиқиб дадасининг ёнига келди. Қўлини ювиб, сочиққа апил-тапил артаётган ота ўғлига меҳрибонлик билан деди:

— Қани, ичкари кир, иккимиз ҳасипхурлик қилайлик.

— Дада, мен ҳасип емайман...

— Нега емайсан?

— Жуда ёғлиқ экан.

— Эй, ношукур бола! Ёғли бўлса нима қипти! Оғзингга ташла, лиқ-лиқ ют! Эгарланган отдек юрасан. Феълларингга яраша гушт ҳам тансиқ бўляпти.

— Нимаси тансиқ. Бизникида қайтага сероб. Илгари беш-олти қазии турарди. Ҳозир подвалда бир тоқи қазии, қуй нимталарии осиглиқ.

— Ҳа, отангнинг даврида дуппингни осмонга отиб юрибсанлар. Подвалдаги нарсалар ҳақида куча-қуйда валдирама!

— Эсимни ебманми? •

— Қўшниларнинг оғзидан суви келгани етар. Онанг ошхонага гушт кўтариб ўтганда девор туйнугидан анов кампир суқ билан қараганини ўз кўзим билан кўрганман. Ҳасад — ёмон, ўғлим. Бор, аччиқ кук чой дамлаб кел.

Ҳоким Ҳасанов меҳмонхонага кирди. Катта дастурхон тўкис безатиғлиқ эди: қуёшнусха катта-кичик патирлар, тарелкаларда хилма-хил сомсалар, пастак вазаларда узум, анор, олма, ликопчаларда газак учун тўғралган қазии-қарта. Ўртадаги катта чинии лаганга уюлган ҳасипдан буғ аралаш тотли ис тараларди. Ҳоким Ҳасанов лаган тепасига энгашиб, ҳузур билан «оҳ-оҳ» деди-да, катта пиёлага тўлдириб арақ қуйди. Тик турганча сипқориб пиёлани дастурхонга тўнтариб қуйди. Енглариinii шимарди, стулни столга яқин суриб ўтирди-да, ҳасипни тушира кетди.

Ўғли қайноқ чой келтириб, стол устига қўйганда Ҳоким лаганнинг ярмiiii бушатиб қўйганди. Қаҳҳор унга чой қуйиб узатди-да, ташқари чиқмоқчи эди, отаси тўхтатди.

• — Уста нима бўлди?

— Кеча уйига бориб келдим. Қўлининг яраси тузалмабди. Тузалди, бораман, деяпти.

— Уста зоти тўймас бўларкан. Қунига ўттиз беш-қирқ сўм оляпти-ку, яна ноз-фироқ қилади. Бошқаларникида ишлаётган бўлса керак.

— Йўқ, уйда экан.

— Куз охирлаб қоляпти. Шир этиб ёмғир ёғса ҳамма йиққан нарсамиз ҳаром бўлади. Ҳозир бор! Аниқ жавобини берсин. Вақт кутиб турмайди. Машинада тез бориб кел. Кўнмаса, бошқа уста топамиз.

Ўгли чиқиб кетгач, Ҳоким чойнак-пиёлани нари суриб қўйди. Шампань очиб, шокосага қўйди. Ҳа-да, қорни тўйганда шампань ичиш керак. Кекиртиради, ҳазми тўлиқ дейдилар. У косадаги шампанни шимирди. Кетма-кет кекириб ўрнидан турди. Қорнини силаб ҳовлига тушди.

Ҳовли этагида ўгли Қаҳҳорни уйлантириш ниятида икки уй ва бир айвон қурдираётган эди. Иморат тикланган, тўсинни қоқишга тайёрлаб қўйилганди. Устанини бошмалдоғига миҳ кириб, иш тўхтаб қолганди. Ҳоким қўлини ортига қўйган ҳолда иморат ичкарисига-ташқарисига кириб-чиқиб, анча маҳал ивирсиб юрди. Майда-чуйда ёғоч-тахта бўлакларини оёғи билан четга сурди, у ер-бу ерда тўкилган миҳларни кўриб хуноби ошди. Терлаб-пишиб ариқ бўйига ўтди. Беҳилар таги серсоя, муздаккина эди. Ариқдан жилдираб сув оқарди. У қўлини ювмоққа энгашди, қорни халақит бериб, сувга ета олмади. Дарахт бутоғига осилган ёвлогига кўзи тушди, уни олиб ариққа ботирди. Муздек сувга ёғли панжаларини ювди. Сўнг ёвлогини беҳи шохига илиб қўйди-да, тагига тўнкача олиб, ариқ бўйига чўкди. Кузнинг ёқимли шабадаси елар, олтинранг беҳи ҳидини димоққа тутарди. Ҳокимни мудроқ босди. У шу ерга шолча солдириб, мизғиб олса бўларди-ю, лекин совхоз директорини кутиб олиш лозим эди. Райкомдан тўғри меҳмонлар ҳузурига қайтаман деган эди у. Дарган бўлмаяпти. Сал нарида, ариқ устида ўсиқ ялпизлар орасида нимадир силкингандай бўлди. Ҳоким калта бўйинини чўзиб қаради. Ҳеч нарса кўринмагач, ўрнидан туриб ўша ёққа юрди. Ариқ устида, ялпизлар орасида саватдек ўргимчак тўри тебраниб турарди. Унинг биёҳетида данакдек қора ўргимчак оёқчаларини кериб «ов» пойлаб атрофга олазарак эди. Тўр устида пашшалар айланиб қолди. Ўргимчак тўрни силкитган эди, калта пашша тўрга ўралиб, гингиллай бошлади. Ўргимчак сапчиб уни босди-да, қанот ва оёқларини тезда боғлаб ташлади. Кейин тўр бурчагига бориб яна ўлжа қутди. Кичик жони, тариқдек қорнига шунча ҳаракатми, солган инини қаранг, дея хаёлга борди Ҳоким ўргимчакка қараб. Одамзод тағин ҳам дунёни ютиб юбормас экан-да! Ибрат!

— Дада, устаникига бориб келдим.— Ҳоким ўглининг овозини эшитиб ҳушини йигиб олди.

— Хўш, нима гап? — сўради у.

— Қўлининг оғриғи қолибди. Эртага ишга келармиш.

— Дуруст.

— Идора ёнида директор Тўлаш Бердиевни кўрдим. Меҳмонлар кетган бўлса даданг ҳузуримга тез келсин, дедилар.

— Овқатланишга келмас эканларми?

— Билмадим. Тез келсин дедилар.

Ҳоким қўлини ортига қўйиб, майда қадам ташлаб ховлидан чиқиб, идорага юрди. У семиз оёқларини икки ёнга кериб ташлаганиданми, гўштдор елкаси, йўғон гавдаси айиқ каби тебраниб кетар, тоғорадек қорни бошидан олдинда борарди.

Совхоз дирекцияси бир қаватли кўримсиз эски бинага жойлашганди. Тор коридор девор бўёқлари кучган, пойига бетон ётқизилганиданми, эшикдан кирган киши димоғига зах анқийди. Директор хонаси ҳам купдан бери ремонт қилинмаганди. Мум суртилгандек доғ-дур пол тахталари қақраб, у ер-бу ерида мих сигар ёриқлар пайдо бўлганди. Совхоз директори — қуюқ қорақош, буғдой юз, келишган Тўлаш Бердиев тўрдаги креслода кетма-кет папирос чекар, пастак хона шип-деворларини ҳалқа-ҳалқа тутун босганди. Унинг эғнида сурранг костюм-шим, оёғида янги туфли. Ҳозир кайфияти ёмон эди. Бундай пайтда аламини папиросдан оларди. Бирини чекиб бўлгач, қолдиғини эзиб, иккинчисини тутатарди.

Паровоздек пишиллаб хонага Ҳоким кирди:

— Овқатга бораман деган эдингиз, куп кутдик, — гинаомуз гапирди у, девор тагидаги стулга чўқаркан.

— Райкомда тўйдириб юборишди. Аччиқ-аччиқ гапларни роса едик. Гиппа бўғилдим. Томоғимдан ҳозир сув ҳам утмайди.

— Йўғ-э, ахир инсоф борми, уларда. Пахтани юз ўттиз поизга чиқардингиз. Районда бунақа хўжалик йўқ-ку!

— Пахта ўз йўлига. Чорва керак дейишяпти. Гўштининг планини бажарса, сутни бажармайди, сутни дундирса, бузоқ плани чала қолади, хуллас, булар ҳамиша бир томонини ортга тортади, дейишди. Ҳақ гап! Нима ҳам дея оламиз. Мана бу йил сутнинг аҳволи чатоқ. — Директор қўлидаги папиросини кулдонга эзғилас. Ҳокимга тикилди. — Нима қилсак ҳам сут планини тўлдириш керак. Бўлмаса шарманда бўламиз. Фақат танқид билан қутулмаймиз. Сўз у қулоқдан кириб бу қу

лоқдан чиқиб кетар. Бошқа чора қўллашяпти. Ҳа, бу танбеҳдан оғирроқ.— Тулаш лабига папирос олиб уни тутатди. Оғзидан ҳалқа-ҳалқа тутун чиқариб, шифтга тикилиб қолди.— Пахта деб қанча азоб тортдик. Дўл, сел олди, совуқ урди. Баъзи карталар тўрт-беш қайта ўқилди. Планни бажаргунча она сутимиз оғзимиздан келди. Бир кун тўйиб ухлашга зор бўлдик. Ором йўқолди. Наҳотки, энди булар қадрланмаса! Ҳа, қадрланмайди, тақдирланмайди. Агар сут плани бажарилмаса, бутун идора ҳайъатидан бирон киши мукофот ололмайди, орден ва медалга бирон киши тақдим этилмасмиш. Мишигини тортиб аранг планин учма-уч қилганлар қўш-қўш орден тақса, биз етимчадек елкамизни қисиб қолсак алам қилади. Йўқ! Бунга чидаб бўлмайди! Ҳоким ака! Нима қилсангиз қилинг, қандай йўл билан бўлмасин сут планини бажаринг! Мен биронта важни қабул қилолмайман. План керак! План! Рўйхатдан тушиб қолишни истамайман. Ҳа! Одамларингизни йиғинг. Маслаҳат қилинг. Қаловини топса, қор ёнади. Кўпни кўрган одамсиз. Йўлини топинг!

— Хўп, топамиз, Тўлаш ака!..

Гарчи, директор мудирдан уч ёш кичик бўлса ҳам Ҳоким ҳурмат юзасидан уни «Тўлаш ака» деб чақирарди. Бу билан мудир директорга бўлган фақат ҳурматинигина эмас, балки унга эркалигини, ўз одами эканлигини, иссиқда ҳам, совуқда ҳам ҳамсоялигини изҳор этарди. Улар бир қишлоқда туғилиб, бир кўчани чангитиб, бир анҳорда чўмилишиб катта бўлишди. Ма-на, неча йилларким, бирга ишлашяпти. Иқтидори, кучи, сири бир-бирига аён. Бунинг устига директорнинг синглисини мудирнинг укасига узатишди. Қарабсизки, қуда-анда, қариндошлик ришталари ҳам тортилиб қолди. Лекин ҳеч кимга сир бой берилмасди. Мудирдан ҳамма билан тенг иш талаб қилинарди, баъзан макталарди, баъзан қаттиқ танбеҳ бериларди...

— Айтганингиздек, йўлини топармиз, — деб сўзида давом этди мудир.— Фақат баъзилар шиллиққуртдек оёққа чирмашиб планин бажаришга халақит беришмаса бас.

— Ким халақит беради планга! Менга ўшани рўпара қилинг, оёғидан осиб қўяй!

— Бухгалтерга тушунтириб қўйинг. Менга ёрдам берсин.

— Хўп. Айтаман.

— Пландан кўнглингиз тўқ бўлсин. Бажарамиз!

— Фақат тезроқ. Тўйдан кейин ногорага ҳожат қолмайди. Уч-тўрт кун ичида райком мукофотлар рўйхатитини юқорига чиқариб юборади.

— Мен ҳозироқ одамларни тўплаб маслаҳатлашаман. Сиз бир пиёла чой ичинг. Ҳасип жуда зўр бўлганди. Меҳмонлар ейишмади.

— Айтяпман-ку, ҳозир томоқдан сув ҳам ўтмайди. Пландан кўнгил тинчиса зиёфат қочмас. Маза қилиб ўтиришамиз. Дурустми?

— Насиб этса, бир отамлашайлик.

Директорнинг кўнгли бир оз ёришди. Мудир эса хурсанд ҳолда унинг ҳузуридан чиқди.

Дарвоқе, Ҳоким мудир кўпдан буён излаган нарсасини оёқ остидан топиб олган одамдек хушнуд эди. У излаган нарса директорнинг оғзидан чиқди. «Қандай йўл билан бўлмасин планни бажаринг», деди директор унга. Мудирга бундан катта мадад борми? Энди у планни дўндириши мумкин. Аслида, ферма ҳодимларини йиғиб маслаҳат солиш, шов-шув кўтаришнинг ҳожати йўқ. Керакли одамлар билан бафуржа гаплашиб олса бас.

Ҳоким уйга келди. Ўғли Қаҳҳорни чақириб «ГАЗ—21»га ўтириб фермага йўл олди.

* * *

Ҳоким ферманинг филдиракли, сурилма дарвозаси ёнида машинани тўхтатди. Қоровулхонанинг кичкина бир кўзли ойнасидан юзи калитдек, озғин бир чол мўралаб уни кўрди-ю, кнопка босиб дарвозани четга сурди. Мудир унга қиё боқмади. Машинадан туша туриб ўглига тайинлади:

— Ҳозир қирга бор. Мөлбоқар Бўривойини олиб кел. Зарур иш бор.

— Шу ерга олиб келайми?

— Йўқ! Уйга олиб бор. Меҳмонхонада ўтира турсин. Кейин мени олиб кетарсан.

— Хўп бўлади.

— Кечга қолма!

Қоровул чол шамолда тебранган кунгабоқардек ел касини силкита-силкита қоровулхонадан чиқди-да, жилмайиб мулозамат кўрсатди:

— Кўк чой дамлаганман. Бир пиёла ичасизми?

— Меҳрибонсиз-да, Тўравой ота! Яхнаси борми?

— Бор. Бонкага совутиб қўйганман.

Ҳоким торгина йўлакдан ўтиб қоровулхонага кирди-да, деразада турган шиша банкани кутариб яхнани смирди. Чол унинг қўлидан банкани оларкан, ийманиб суради:

— Бу, гушт бўладими, ўғлим?

— Бўлади. Қанча керак?

— Икки килогина.

— Қирда мол сўйганмиз. Лайтаман, юмшоқ жойидан беш килограмм олиб келиб беришади. Иннайкейин калла-почаси ҳам сизга. Кампир билан мени дуо қилиб снглар.

— Илоҳи умрингиз узун, мартабангиз баланд бўлсин.

Ҳоким тиржайиб ичкарига юрди. Совхоз фермаси янги лойиҳа асосида қайта қурилди: темир-бетон устунли баланд учта сигирхона, иккита бузоқхона, унинг ёнида катта душхона. Буларни бунёд этишда Ҳоким Ҳасанов бетиним елиб-югурди, жонбозлик кўрсатиб ферма бинолари қурилишини муддатидан роса бир йил аввал битириб олди. У қурувчилар билан тез тил топа биларди.

— Бузоқхонани қанчада қуриб битказасизлар?— деб сўрарди у овқат пайтида қурувчилардан.

— Уч ойда.

— Уч ой — тўқсон кун. Тўғрими?— дерди у.— Битта шартим бор. Биони эллик кунда битказсангиз, сизларга қўй сўйиб ош дамлаб берардим.

— Аннақаси бўладими?— дерди ҳазилкаш қурувчилардан бири томоғини чертиб.

— Ароқсиз ош ошми,— дерди Ҳоким тантилик билан.— Ароғи ҳам биздан...

Ҳоким бинокорлар кўнглини овлаб ишни тез ва соз битказиб оларди. Ферма майдони баланд бетон девор билан ўралганди. Дарвозадан кирилгач, унги томонда озуқа цехи жойлашган. Унинг ортида силос ўралари, хашак, кепак сақланадиган айвонсимон пастак бинолар кўзга чалинади. Дарвозадан бошлаган тўғри асфальт йўлнинг икки чеккасида кекса тераклар тарвақайлаган. Молхоналардан юз метрча берида, азим тераклар тагида бир-бирига туташ икки бино олисдан оқариб қуринади. Бири ферма мудирининг кабинети, ёнидагиси ходимларнинг дам олиш хонаси эди. Иккисига ҳам қизғиш гилам-пойандозлар тушалган, тўқис жиҳозланганди.

Ҳоким кабинетига кирди. Хона дим эди. Деразани очди. Ташқаридан икки қизнинг шанғиллаган овози эшитилди:

— Чидаганга чиқарган! Алам қилса бурнингни тишла!

— Ҳаром еганларинг оғзингдан лахта-лахта бўлиб чиқса, бурнингни сен тишлайсан!

— Тилинг кесилсин!

— Афтинг қурсин!

Қизларнинг можаросини эшитиб Ҳокимнинг кайфи-яти бузилди. У кўрсаткич бармогини буклаб дераза ой-насини қаттиқ тақирлатди-да, уларга ҳайқирди:

— Ҳалима, менга қара!

Кейин: «Бу кўк кўз зумрашадан сира қутулмадим. Бадбахт мегажин», деб ғулдираб сўкинди. Ҳалима унинг қизи Нафиса билан бирга ўқишганди. Апоқ-чапоқ дугоналар фермага бирга ишга келишди. Бинойидек ишлаб юришганди. Бир воқеадан сўнг иккаласи ит-мушукдек олишиб, пайкесар бўлиб қолишди. Илғор сут соғувчиларга мукофотга гилам ажратилганди. Кўпчилик уртасида гиламни Ҳалимага беришармиш, деган гап тарқалди. Бироқ тақсимот пайтида ферма мудирига ён босишди шекилли, гилам унинг қизи Нафисага тегди. У ҳаммадан кўп сут соққанмиш. Аслида Ҳалима йигирмата сигирни соғар, Нафисанинг чекига эса ўн тўртта сигир тушганди. «Мукофотни ҳалол олмадинг», деб Ҳалима Нафисага дашном берар, у эса чидаганга чиқарган, ажаб бўпти, деб унинг жиғига тегарди. Хуллас, икки қиз кунда, кунора жиғиллашиб, бир-бирига маломат тошини отиб юришарди. Ферма мудир уларни яраштирмоқ ниятида панд-насиҳат қилди:

— Ҳалима, қўй қизим, уят бўлади,— деди унга.— Арзимас нарсаси деб...

— Сизларга арзимасдир. Чунки уйингизда кўш-қўш гилам бор. Полдан ортганини деворларга осиб қўйибсиз. Бизникида полимиз шолчали. Уят бўлармиш. Сизлар қачон тўясизлар?!

— Қизим меҳнатига олган. Бор, қаерга борсанг, боравер. Дод сол, арз қил!

Ҳоким тили заҳар бу кўк кўз қизни баттар ёмон кўриб қолди. Аммо дилидаги ғазабинини тилига чиқармас, зимдан унга азоб берар, ўрни келса илондек чақиб оларди. Турли баҳоналарни рукач қилиб, унга икки йил меҳнат отпусчасини бермади.

...Эгнида оқ халат, узун сочини бошига чамбарак қилиб олган, пахта олмадек лўппи юз, нозиккина қиз Ҳоким мудир хонасига оёқ учида юриб кирди.

— Асабинг бузиляпти. Чарчаб қолдинг шекилли,— деди унга мудир.— Утир, ариза ёз! Отпусकाга чиқ! Дам олиб кел.

— Сигирларимга ким қарайди?

— Сут соғувчиларга тақсимлаб берамиз. Сен келгунингча бир амаллаб соғиб туришар.

— Фақат илтимос, Олаговмушни Сарви опага беринг. Унга озроқ ўрғанган.

— Майли, Сарви қарар.

Ҳалима ўтириб ариза ёзди. Унга имзо чектириб, хонадан хурсанд ҳолда чиқди. Ҳоким кўк духоба дўпписини столга қўйди, одатича диванга ёнбошлади. Қорнини силаб хаёлга ботди. У қош қорайгунча шу зайлда ётди. Хонани қоронғилик босди. Чироқни ёқмади. Чунки қоронғида хаёл қилишни, режа тузишни хуш кўрарди. Унга пул керак эди. Қўшни райондаги бир ошнасини эслади. «Қанча турса ҳам серсут сигир топиб бер», деб унинг уйига икки марта келиб кетди. Чаққон ва олғир қассоблар бир-бир кўз олдидан ўтди. Охири ўйлаб-ўйлаб «Отанг бозор, онанг бозор» деган қарорга келди. Бозорга ким боради. Ишончли йигитлардан икkitаси... Хонага узун-қисқа шуъла тушди. Машина қаттиқ сигнал берди. Ҳоким ўрнидан турди. Қоронғида дўпписини пайпаслаб топди. Уни чаккасига қўндириб, ташқарига чиқди. Ўғли Қаҳҳор машина эшигини очди.

— Бўривойни топдингми?

— Топдим. Уйга қўйиб келдим.

— Жуда соъз. Ҳайда, уйга.

Дарвоза ёнида қоровул чол уларни тиржайиб кутиб турарди. Ҳоким машинадан тушиб, чолни қўлтиқлаб қоровулхонага бошлаб кирди.

— Тўра ота, бояги гап. Эрта билан уйингизга гуштни олиб келиб беришади. Сиздан илтимос...

— Хўп, хўп...

— Кечаси бу ерга молбоқар Бўривой келади. Ушанинг гапини яхшилаб тингланг, айтганини қилинг. Тушундингизми?

— Тушундим! Айтганини қиламан.

— Қолган гапни эрталаб гаплашамиз. Хайр!

— Яхши бор...

Кечаси билан эзиб ёмғир ёғди. Тонгга яқин қаттиқ шамол туриб, совхознинг бир неча участкаларида электр

чироқлари ўчиб қолди. Ҳоким одатдагидан барвақт туриб фермага отланди. Йўл-йўлакай совхоз монтерининг уйига кириб, уни ўзи билан бирга фермага олиб келди. Қўнгли сезгандек бу ерда ҳам чироқлар ўчиб қолганди. Монтер елиб-югуриб, электрни ёқишга уринди. Ҳоким тўғри қоровулхонага кирди. Қоровул чол дераза ёнида мудраб ўтирарди. Мудирни кўриб ўрнидан қўзғалди.

— Ўтираверинг.

— Воҳ, шўрим қуриб қолди, хўжайин,— деди чол мунгли оҳангда. — Тунги шамолда электр ўчиб, дарвозани ёполмай қолдим. Тонгга яқин уйқу элтибди. Қўзимни очсам дарвоза ёнида икки одам кўринди. Сал нарида катта юк машинаси турган экан. Ўшанга ўтириб жўнашди. Сигирлардан хавотир олиб, гугурт чақиб, молхонани айландим. Қарасам, Олаговмуш йўқ. Бадбахтлар ўғирлаб кетибди. Нима қиламан? Қафангадо бўлдим.

— Ия, чатоқ бўлибди-ку! Бай, бай... Маслаҳатим шу — кўп валдираманг. Бошингиз тепасида қилич яланғочлаб туришса ҳам бир сўзда туринг. Довдирасангиз қапангадо бўласиз. Одамлар келишсин. Маслаҳат билан иш қиламиз.

Тонг ёриша бошлади. Монтер урина-урина электрни ёқди. Фермага сут соғувчилар, ҳисобчи ва молбоқарлар бирин-кетин кела бошлашди. Нохуш хабар оғиздан-оғизга ўтди:

— Фермага ўғри келибди.

— Олаговмушни ўғирлабди.

— Тура отанинг шўри қуриди.

— Тўлайди.

— Бечора қандай тўлайди? Битини берадими?

Ферма мудури барча ходимларни ўз хонасига тўплади.

— Ўртоқлар, жуда кўнгилсиз воқеа юз берди,— деди у ғоят маъюслик билан. — Фермадан мол йўқолди. Ҳозир оҳ-воҳдан фойда йўқ. Жар солиб, данғур-дунғир, гап-сўз қилмай турсак. Аввал атрофни яхшилаб қараб кўрайлик-чи. Оёқли мол, эҳтимол, у ер-бу ерда ўтлаб юргандир. Аҳмад, сен сой томонга бор. Носир, жарни айланиб чиқ. Қолдибек қир томонга бориб келсин.

— Бугун бозор. Бозорга ҳам одам юбориш керак,— деди монтер гапга аралашиб.

— Ўғри анойи эмас. Қалласи бордир, молни бозорга олиб бормади, қассобга топширадн.

— Эсиз Олаговмуш. Жонивор зотдор эди...

— Билиб юрган одамнинг иши. Шунча молнинг ичидан танлаб олиб кетганини қаранг. Тавба!

— Ўғрининг уйи куйсин!

— Ўртоқлар! Кўп гап — эшакка юк! — Мудир жаҳл билан ўрнидан турди. — Қани, сигирни излашга кетдик. Икки соатдан сўнг шу ерга яна тўпланишамиз.

Одамлар Олаговмушни излаб турли томонга тарқалишди. Мудир икки литрли шиша банкани тўлдириб қаймоқ, бидончада янги соғилган сут олди. Машинасига ўтириб уйига келди. Меҳмонхонасида ўтириб бир коса қаймоққа иккита кулчани тўғраб еди. Устидан бир коса ширчой ичди. Кекириб ўрнидан турди.

У фермага йўл олди. Тўғри хонасига кирди. Диванга ёнбошлаб, хаёл суриб ётди. Олаговмушни излагани кетганлар бирин-кетин қайтишди. Ҳеч ердан сигирнинг изи топилмади. Мудир лунжини карнай чалаётгандек шишириб «уф-уф»лаб ўрнидан қўзғалди. Қўлларини қорни устига қўйиб, дераза олдида бир оз ўйланиб тургач, «ферма бухгалтери Қолдибек қолсин, бошқалар ўз ишига борсин», деди. Одамлар хонадан чиқиб кетишди. Мудир бухгалтерга сут соғувчилардан Саври, Насиба, опасингил Фотима-Зухраларни чақириб келишни буюрди.

Аёллар хонага кирганда Ҳоким дераза ёнида тик турганича аҳён-аҳёнда лунжини пуфакдек шишириб уҳ тортиб қўярди. У сут соғувчиларни ўтиришга таклиф қилди. Ўзи тик турган ҳолда мотамона гап бошлади:

— Фермада кўнгилсиз ҳодиса юз берди: сигир йўқолди. Милицияга хабар берсак, шов-шув бўлади. Мол ё топилади, ё топилмайди. Акт тузишади. Бирма-бир ҳаммани сўроқ қилишади, суд бўлади. Хулласи калом, оворагарчилик. Шуларни ўйлаб мен бир қарорга келдим. Ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолса. Ҳаммамизнинг бошимизда иссиқ, совуқ кун бор. Тўйимиз, маъракамиз бўлади. Қўл қовуштириб қараб турмаймиз. Бир-биримизда ҳақимиз қолмайди. Тура отанинг аҳволи сизларга аён: кекса кампйри бор, бунинг устига қизи икки болани ташлаб кетиб қолган. Уйда чақаси йўқ! Биров унга қарз ҳам бермайди. Хулласи калом, молни тўлашга қурби етмайди. Тўламаса — қамалади. Қолдибек сизларнинг ҳар бирингизга эллик сўмдан мукофот ёзиб беради. Пулни қўл қўйиб олиб, яна бухгалтерга топширасизлар. Ўша пулга битта ғунажин сотиб олиб, Олаговмушнинг ўрнига боғлаб қўямиз. Майлими? Қим норози?!

Сут соғувчилардан садо чиқмади. Ҳоким Қолдибекка қараб тиржайди.

— Сукунат ризо аломати, буларга мукофот пулини ёзиб беравер,— деди.

* * *

Меҳмонхонада икки киши суҳбатлашарди. Елкаси кенг, от жағ юзининг кулгичлари чўтир, юқоридаги икки тиши ўсиқлигидан лаби сал кўтарилган қирқ ёшлар чамасидаги забардаст киши кўкрагини кериб диванга ястаниб олганди. Ёнгинасидаги суянчиқли стулда Ҳоким хурсанд ҳолда ўтирарди. Пастак журнал столи ўстида бир даста пул турарди.

— Аканг айлансин сендан, Бўривой!— деди уй эгаси. — Шу одатингни яхши кўраман, қадрлайман! Топширилган ишни кўнгилдагидан зиёда қиласан. Йўлда таниш-билиш учрамадимми?

— Зоғ йўқ! Икки молни машинага босдик, Қаҳҳор — эпчил йигит. Машинани қушдек учирди. Гира-ширада бозорга етиб бордик. Бозорнинг олди моли бизларники бўлди. Бари бир сигирни учтага тишламади. Икки ярим мингга барака қилдик. Ҳўкиз бир минг етти юзга кетди.

Ҳоким курси ўстидаги пулни қўлига олди. Боғламдан иккита эллик сўмликни олиб Бўривойга узатди:

— Ол! Сидқидилдан қилган хизматинг учун! Қаҳҳорга ҳам юз сўм берамиз. Тўрт минг қолади. Худо хоҳласа, барча харажатларимизга етади.

— Қандай харажатлар?— Бўривой тўлғаниб қўйди.

— Эртага бозор қиламиз. Ўзинг тепасида турасан.

— Бугун қирга кетмайсан денг.

— Ҳа. Шу ерда ётиб қоласан. Ўладиган дунёда маишат қилайлик. Ҳеч нарса умрни тўхтатиб турмагандан кейин давр суриб қолиш керак. Ўласан-кетасан, яна дунёга қайтиб келмайсан. Тўғрими? Ҳа, балли!

Ҳоким пулни рўмолчага ўраб қўйнига солиб қўяётганда Бўривой сўради:

— Қанақа бозор қилинади?

— Қанақа бўларди? Уч ойда меҳмонларга ўнта қўй сўйилди. Ишчиларнинг иссиқ овқати учун мол ағдарилди. Бешта бузоқ олиш керак. Ўрнини тўлдириб қўймаса бўлмайди.

— Чоғроғидан олинса ўнта қўй бир ярим минг сўм бўлади. Бузоқларга минг сўм кетар. Жами икки ярим минг сўм. Хуш...

Бўривой пулнинг қолгани нима қилинади, деб сўрашдан ўзини зўрға тийди. Буни сезган Ҳоким уни хотир-жам қилишга уринди.

— Олинадиган бошқа муҳим нарсалар бор. Ҳаммасининг тепасида ўзинг турасан. Кўнглингга келмасин, бу пулдан менга бир чақа ҳам қолмайди. Барини совхозга ишлатаман.

— Мен сизда қолади, деб ўйлаётганим йўқ, нима қилсангиз ихтиёрингиз. Бундай пайтда биласизку, менинг кўзим кўр, қулогим кар. Туя кўрдингми, йўқ!

— Биладан. Шунинг учун ҳам энг нозик ишларни сенга топишираман. Қани, гапни қўяйлик. Олдин таом, кейин калом. Овқатланиб олайлик. Ҳоким дераза ойнасини очиб ўғлини чақирди.

— Қаҳҳор, овқатни олиб келинглар! Тур, столга яқин утир.

Зум ўтмай Қаҳҳор катта сопол лаганда устига уйиб қази-қарта тўғралган шилпилдоқ олиб кирди. Ҳоким одатича егини шимарди. Бир шиша ароқни иккита қирмизи пиёлага тўлдириб қуйди. Пиёлалар уриштирилди. Лаганнынг икки томонида ўтирган икки азамат егини шимариб, ҳаш-паш дегунча шилпилдоқни шипириб ташлашди. Иккинчи лаган келгунча яна битта шиша ерга юмалади.

Шилпилдоқ,—тансиқ нарса—деди иккинчи лаганга қўл урган Бўривой.—Ҳар ҳолда гуручининг ўрнини ҳеч нарса босмайди.

— Одатингни биладан,—деди уй эгаси,—еганинг ош бўлсин. Овқат бобида ҳам менга ўхшайсан. Олавер, тун узоқ. Ҳали девзирадан ош ейсан.

— Эй, раҳмат!—Бўривой миннатдорлик билдирди. Меҳмоннавозликда сизга тенг келадигани йўқ. Риси, туғилмаган. Туғилмаса керак!

Ўша тун улар алламаҳадгача бир-бирини мақтади, чақчақлашиб ўтиришди. Сўнг Бўривойга меҳмонхона диванига жой солиб беришди. Ҳоким юқоридаги ўйга кириб ухлади.

Хонадон кеч ётса ҳам барвақт уйғонди. Бўривой ювиниб стол ёнига келганда иккита шокосада серватик мастава, иссиқ патир, ширмой понлардан хушбўй хид, енгил буг анқиб турарди. Хонага Ҳоким кирди. Ўлар тез овқатланишиб олишди. Кийиниб кўчага чиқишда дарвоза ёнида ферманинг усти ёпиқ юк машинаси кўндаланг турарди. Руяла Қаҳҳор унинг ёнига Ҳоким

ўтирди. Бўривой машина юқорисига чиқиб, темир суян-чиқли скамейкага ястаниб олди.

— Район марказига ҳайда! — буюрди ўғлига Ҳоким.

Машина совхоз идораси ёнидан ўтиб кагта йўлга бурилгач, ўқдек учиб кетди.

Ҳоким район марказидаги озиқ-овқат дўкони ёнида машинани тўхтатди. Кабинадан тушиб, дўконга кирди. Дўконда ёшгина сотувчи қиз шўппайиб ўтирарди.

— Қизим, сариёғ борми? — сўради Ҳоким ундан. Қизча унга бошдан-оёқ разм ташлаб бошини тебратди: «Йўқ!»

— Дўкон мудирини қаёқда?

— Ичкарида.

— Илтимос, бу ёққа чақириб беринг.

Қизча ўрнидан эриниб турди. Йўлакчага тутилган кўкиш пардани суриб овоз берди:

— Ҳотам ака! Бу ёққа қараб юборинг.

Ичкаридан паст бўйли, дўмбоқ юзи чертсанг қон томгудек қип-қизил йигит чиқди.

— Акаси, илтимос, бизга сариёғ жуда зарур.

— Сариёғ йўқ!

— Менга қара, акаси, хизматингга қанча бўлса ҳам ол! Жуда зарур бўлиб қолди.

Дўкон мудирини «хизматингга» сўзини эшитиб, бир оз юмшади. Ташқаридаги юк машинасига кўзи тушиб жилмайди.

— Машина сизникими? Ҳа, яхши. Складда озроқ сариёғ бор. Богчаларга асраб қўйибмиз. Сизларга беролмаймиз.

— Богчага печенье берсанг ҳам бўлаверади. Бизга сот.

— Қанча оласиз?

— Икки юз кило...

— Неча пулдан оласиз, деяпман.

— Килосига тўрт сўм берай.

— Йўқ, бўлмайди.

Йигит ортга бурилиб, ичкарига юрмоқчи эди, Ҳоким унинг биллагидан оҳиста ушлади.

— Менга қара, ука! Насибанг-да, биздан озроқ кетса кетар. Тўрт ярим сўмдан берай! Хўп де, бизга ҳам жабр қилма. Розилик билан пул олсанг баракали бўлади.

— Орт томонда катта дарвоза бор, — деди йигит жилмайиб. — Машинани ичкарига олиб киришг!

— Балли, укам! Ҳозир, ҳозир...

Иш хамирдан қил суғургандек осон битди. Ҳоким ўн яшиқ сариёғни машинага ортиб, йўлга равона бўлди. У ўттига машинани тўғри район «Зоготскот» пунктига ҳайдашни буюрди. Пункт идорасида ҳам узоқ ушланиб қолмади. Сариёғни пунктга топширди. Ҳоким «Гулбоғ» совхозида ўн минг килограмм сут қайта ишланиб, икки юз килограмм сарёғга айлантирилгани ва давлат пунктига топширилганлиги тўғрисида уч нусха справка ёздириб олди. Ҳоят муҳим бу қоғозларни қўйнига солиб совхоз идорасига келди.

Идора ёнида машинадан тушди. Бўривойни шофёрнинг ёнига ўтқазди-да, унга қаттиқ тайинлади:

— Қаҳҳор сени ҳозир қирга олиб бориб қўяди. Шанба кун и кечқурун уйга кел. Тонгда бозорга борасизлар. Эсдан чиқмасин.

— Хўп, хўп...

Машина жўнади. Ҳоким лапанглаб идорага кирди. Директор хонасида бир неча киши бор экан. Ҳоким коридорда бир оз туриб қолди. Ниҳоят, ичкаридан бўлим бошлиқлари бирин-кетин чиқишди. Ҳоким жилмайиб хонага кирди. Директор билан сурашиб унга қоғоз тутқазди:

— Сут планимиз бир юз ўн уч процент бажарилди.

— Ишласа буларқан-а! Табриклайман!— деди директор қоғозга кўз қирини ташлаб.— Қани, утиринг.

Директор стол чеккасидаги қўнғироқ тугмасини босди. Котибани чақирди. Ушоққина қиз хонага киргач, унга буюрди:

— Мана бу ҳужжатни олинг! Совхоз сут планини бажаргани тўғрисида бошқармага, райиждрокомга ва райкомга шошилинч телеграмма тайёрланг. Ҳа, айтмоқчи, район газетасига ҳам бир нусха юборинг.

Котиба «хўп бўлади» деб чиқиб кетгач, директор мудирдан суради:

— Фермада нима гап?

— Тинчлик.

— Сигир йўқолганмиш.

Мудир пастки лабини тишлаб қимтиниб қўйди. Тоғмоқ қириб йўталди. Кейин сут планини бажариш учун «қари» молларнинг баҳридан кечиб қўллаган «тадбир»ларини босиғи билан тушунтирди:

— Бугун-эрта туёғини ўрнига қўямиз. Ўнта қўй, бешта бузоқ ҳам олишимиз керак.— Пулини жамғардим.— Ҳоким ёнидан бир даста пул олиб директорга узатди.— Уч минг сўм! Сизда турсин.